

Сўровнома натижаларига кўра Ўзбекистон тумани вилоятда маънавий-маърифий соҳада энг яхши фаолият олиб бораётган ҳудуд деб топилди

Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали ҳамкорлигида “Фарғона вилоятида маънавий-маърифий соҳада энг яхши фаолият олиб бораётган ҳудуд (туман ёки шаҳар)” танлови ўтказилди.

Онлайн овоз бериш орқали ўтказилган танлов натижаларига кўра Ўзбекистон тумани ушбу эътирофга [сазovor бўлди](#).

Бугун туманга ташриф буюрган Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими мутасаддилари туман раҳбарлари ва соҳа масъуллари билан учрашиб, ана шу эътироф билан самимий муборак этишди.

Мутасаддилар туманда маънавият ва маърифат соҳасининг янада ривожини йўлида келгусида ҳам амалга ошириладиган долзарб вазифаларни муҳокама қилиб, туркум чоралар белгилаб олинди.



